

ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ПАЛЕОЛИТ ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИДАН

З.Салоҳиддинов,
магистр

Мақолада Марказий Осиё кишилиқ маданияти тарихининг энг қадимги маконларидан бири Тешиктош, Амир Темур зорлари Мачай зори ва Сурхон воҳасининг Зараут қоялар ҳақида та'limotlar yoritilgan

Марказий Осиё кишилиқ маданияти тарихининг энг қадимги маконларидан бири эканлиги қадимги давларданоқ тарихшунослик фани билан шуғулланган мутахасисларга маълум эди. Антик даврларда яшаб фаолият кўрсатган римлик тарихчи Помпей Трог “Марказий Осиёликлар қадимийликда Мисрликлар билан баҳслаша оладилар” деб бежизга эътироф этмаган¹.

Ўтган XX асрнинг сўнгги 35-40 йили мобайнида, айниқса, мустақиллик давридан бошлаб Ўзбекистонда қадимги давр тарихи моддий маданиятини ўрганишга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Шўролар даврида бу изланишларнинг илмий натижалари совет маорифларига сохта равишда уйғунлаштирилиб талқин қилинган. Ватанимиз мустақиллиги даврида эса ҳар қандай тарихий ҳодиса-воқеалар ижтимоий жараёнда ва уларнинг тадрижий тараққиёт босқичлари халқимиз тарихининг юксалиш даврлари, инқироз замонлари ҳолислик билан ўрганилмоқда, натижалар илмий муомала мулкига айланмоқда. Тарих илми соҳасидаги изланишларда, айниқса, Ўзбекистон археологларининг олиб бораётган тадқиқотлари натижалари салмоқли бўлмоқда.

Ўзбекистонда инсоният ҳаёт фаолиятининг ибтидоси ҳисобланмиш қадимги тош асри ёдгорликлари кўплаб топилган. Юртимиз палеолитшунослигига оид дастлабки археологик тадқиқотлар

¹ Кабиров Ж., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. -Т., 1990, 3-б.

мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларида, Сурхон воҳасида бошланган. Академик А.П.Окладников раҳбарлигидаги илмий гуруҳ томонидан 1938-1939 йилларда ўрганилган Тешиктош ва Амир Темур ғорлари Сурхон воҳасидаги энг муҳим манзилгоҳлар сирасига киради.

Тешиктош ғор макони Бойсун тоғининг жанубий-ғарбий тизмалари қисмида, Мачай дарёсининг чап irmoғида, Кетмончопди чўққисидан 6 км шимол томонда жойлашган. Тадқиқотга раҳбарлик қилган А.П.Окладниковнинг ёзишича, ғорда инсон истиқомати ва ҳаётий фаолиятдан дарак берувчи бешта маданий қатлам мавжуд бўлган. Демак, ғорда ибтидоий одамлар ушбу бешта давр мобайнида узлуксиз равишда яшаб келганлар². Қатламлардан топилган тош қурол ва ашёларнинг сони уч мингга яқин бўлиб, уларни асосан икки турга – ов қуролларига ва меҳнат қуролларига ажратиш мумкин бўлган. Ушбу топилмаларнинг таҳлилига қараганда, Тешиктош манзилгоҳи ўрта палеолит даврининг дастлабки босқичларига оид бўлиб, у 120-100-40 минг йилликлар билан даврланган³. Археологик топилмаларнинг гувоҳлик беришича, ибтидоий давр одамларининг ҳўжалиги асосан овчилик ва термачиликдан, яшаш жойлари ғор маконларидан иборат бўлган. Ғор макон танлашда ибтидоий одамлар баъзи шарт-шароитларни ҳам ҳисобга олишган. Хусусан, тажрибалардан келиб чиққан ҳолда қулай ғорлар, яъни сув манбасига яқин офтоб тушадиган ёввойи мева ва ўсимликларга сероб жойлардаги, ғор олдида очик майдони бор (ҳовли маъносида), оғзи кичик ғорларни яшаш учун макон қилишган. Тешиктош ғори мана шундай шартларга жавоб берган⁴.

Тешиктош ғоридан топилган энг муҳим топилмалардан яна бири бу 8-9 ёшдаги неандертал бола қолдиғининг топилишидир. Оламшумул илмий аҳамиятга молик бўлган ушбу топилма энг пастки маъданий қатламларидан топилган бўлиб, у махсус, айланасимон шаклдаги чуқурчага дафн қилинган, атрофига ёввойи тоғ ечкиси (архар)нинг шохлари қадаб қўйилган экан.

² Окладников А.П. Тешикташ. -М., 1949, 25-26-б.

³ Исҳоқов М., Костецкий А. Ўзбекистон халқлари тарихи. -Т., 2000, 10-11-б.

⁴ Жўрақулов М. Оўрта Осиё палеолити. -С., 1983. 19-б.

Мутахассисларнинг қайд этишича, бу ҳолат дастлабки диний тасаввурлар, хусусан, тотемизм билан боғлиқ сиғиниш каби маънавий тушунчаларнинг пайдо бўлаётганидан гувоҳлик беради. Буни эса ўрта тош даври ибтидоий одамларнинг маънавий ҳаётидаги катта инқилобий ўзгариш деб баҳолаш мумкин. Профессор М.Жўрақуловнинг таъкидлашича, “демак ибтидоий диний сиғинишларнинг, умуман, диннинг келиб чиқиши археологик жиҳатдан мустъе даврига бориб тақалади”.⁵

Академик А.Асқаров таъкидлаганидек, Тешиктошдан неандертал бола қолдиқларининг топилиши инсониятнинг шаклланиши билан шуғулланувчи антропология фани учун ҳам катта илмий аҳамият касб этган. Чунки Тешиктош неандертал боласи топилгунга қадар Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудуди – антропогенез жараёнлари содир бўлмаган минтақа, бу ерда қадимий қабилалар Европадан келиб тарқалган, деган ғайри-илмий концепсия мавжуд эди. Тешиктош топилмаси орқали Ўзбекистон ҳам антропоген жараёнлари содир бўлган ўлкалар қаторидан ўрин олган⁶.

Бундан ташқари, Тешиктош ғори яқинида жойлашган Амир Темур ғори ҳам 1939 йилда А.П.Окладников бошчилигидаги илмий гуруҳ томонидан ўрганилган. Натижада ғор маконда 3 та маданий қатламнинг мавжудлиги, энг пастки қатламни ўрта тош даврига мансублиги аниқланди, бу ерда топилган тош қуроллар, қирғичлар, тош парахалар, тош ўзаклар Тешиктош ғоридан топилган тош ўзакларга жуда ўхшаш бўлган. Лекин фарқлари ҳам бўлган. Хусусан, Амир Темур ғоридан ибтидоий одамлар мавсумий тарзда фойдаланишган, яъни ов мавсуми даврида қабила овчилари бу ерда истиқомат қилган бўлиши мумкин.

Мутахассис олимлар мазкур ёдгорликлар мисолида ўрта тош давридан бошлаб Сурхондарё заминида ибтидоий жамият одамлари узлуксиз тарзда ҳаёт кечирганлар деб ҳисоблайдилар⁷. Бунинг исботи сифатида тош асрининг

⁵ Ўша асар. 20-б.

⁶ Асқаров А. Ўзбекистон тарихи. -Т., 1994, 17-18-б.

⁷ Жўрақулов М. Ўрта Осиё палеолити. -С., 1983. 21-б.

яна бир машхур ёдгорлиги Мачай ғори ва Зараутсой қоятош суратлари каби мезолит даври ёдгорликларини айтишимиз мумкин.

Мачай ғори Ҳисор тизма тоғларининг тармоқларидан бири - Кетмончопди тоғининг жанубий ён бағрида, Мачай дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган. Бу маконда 1970-йиллар бошида археолог Ў.Исломов қазув ишларини ўтказган ва натижада мезолит даври одамларининг манзилгоҳларидан ушбу давр моддий маданияти тарихини ойдинлаштирувчи кўплаб ашёвий далилларни топган⁸.

Аниқланишича, Мачай ғори кўп қатламли ёдгорлик бўлиб қазилмалар натижасида, ундан суяк ва тошдан ясалган меҳнат қуроллари, хусусан, тош пичоқлар, кескичлар, тош болта ва сангдонлар, найза ва ўқ учлари, бигиз, игналар топилган. Бундан ташқари, ов ҳайвонлари айиқ, архар, морхўр, буғу ҳамда уй ҳайвонлари, хонакилаштирилган ит, майда ва йирик шохли ҳайвонларнинг суяклари топилган⁹. Сурхон воҳасининг Зараут қоялар дарасидан археологлар қояларга ўйиб туширилган суратлар мажмуасини топишган. Фанга Зараутсой қоятош суратлари номи билан кирган ушбу тасвирларда ов манзаралари акс эттирилган. Мезолит даврига мансуб бу суратларда ўқ-ёй билан қуролланган овчиларни шиддат билан олға интилиши, овчи итлардан қочаётган қорамоллар қўнғироқсимон либосга ўранган сирли мавжудотлар тасвирланган. Мутахассисларнинг фикрича, ибтидоий давр рассомлари бу суратларни турар жойларига зеб бериш учун чизишмаган. Балки ов олдидан бўлғуси овни бароридан келишини тилаб, сиғиниш учун чизишган. Бу ер Ҳисор тоғларида истиқомат қилган мезолит даври қабилаларининг зиёратгоҳи бўлиши ҳақиқатга яқиндир. Эртанги ов олдидан улар бу ерда турли маросим ва расм-русмларни ўтказишган.

Шундай қилиб хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида (Сурхондарё) камида ўрта тош давридан бошлаб маҳаллий асосларга эга ибтидоий жамият одамлари яшаган. Бу ҳолат узвий бўлиб,

⁸ Исломов У. Пещера Мачай. 1975, 22-б.

кейинги даврларда ҳам давом этган. Бу яна бир бор халқимиз тарихининг қадимийлигини, давомийлигини исботловчи муҳим археологик манбадир.

Адабиётлар:

1. Асқаров А. Ўзбекистон тарихи. (Қадимги даврлардан янги эраинг II асригача) –Т., 1994.
2. Жўрақулов М. Ўрта Осиё палеолити. –С., 1984.
3. Кабиров Ж. Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. –Т., 1990.
4. Окладников А.П. Тешикташ. –М., 1949.
5. Исҳоқов М., Костецкий А. Ўзбекистон халқлари тарихи. –Т., 2000.